



САНЪАТ ВА МАХОРАТ ТИМСОЛИ

Ахмедова Дунёзода Амин қизи

Ўзбекистон давлат консерваторияси

“Ўзбек халқ чолғулари оркестри дирижёрлиги” кафедраси

II босқич магистри

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 3-sentabr 2026 yil
Ma'qullandi: 5-sentabr 2026 yil
Nashr qilindi: 9-sentabr 2026 yil

KEY WORDS

Дирижёрлик санъати, дирижёрлик мактаби, Қувонч Усмонов, миллий мусиқа, мусиқий мерос, симфоник оркестр, мусиқий таълим, педагогик фаолият, ижрочилик маҳорати, ўзбек маданияти, мусиқа санъати, оркестр дирижёри, миллий қадриятлар, мусиқий ижод.

ABSTRACT

Мазкур мақолада Ўзбекистон дирижёрлик мактабининг шаклланиши, ривожланиш босқичлари ва миллий мусиқа маданиятидаги ўрни таҳлил қилинган. Шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, таниқли дирижёр ва педагог Қувонч (Суннат) Мансурович Усмоновнинг ҳаёти, ижодий фаолияти ҳамда миллий дирижёрлик санъатини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ёритилган. Унинг дирижёрлик маҳорати, педагогик фаолияти, ёш мутахассисларни тарбиялашдаги ўрни ва миллий ҳамда жаҳон мусиқа меросини тарғиб этиш борасидаги хизматлари таҳлил қилинган. Мақолада Қувонч Усмоновнинг ўзбек дирижёрлик мактабининг ривожланиши ва унинг халқаро нуфузини оширишдаги аҳамияти очиб берилган.

*“Дирижёрнинг вазифаси оркестрни бошқариш эмас, балки мусиқа билан сўзлашишдир.”
Артуро Тосканини*

Дирижёрлик санъати оркестр ёки хор ижросини бошқариш ва йўналтиришга қаратилган мураккаб, лекин ўзига хос маҳоратни талаб қилувчи касбдир. Бу санъат турида дирижёр нафақат мусиқий асарларни тўғри ва мувофиқлаштирилган тарзда ижро этишни таъминлайди, балки уларнинг руҳини, чуқур мазмунини тингловчиларга етказишда ҳам муҳим рол ўйнайди. Ушбу санъат мусиқа оламининг юраги саналади. У ижрочилар ва тингловчилар ўртасида кўприк бўлиб хизмат қилиб, мусиқа моҳиятини бутунлай янги даражада очиб беради. Дирижёрнинг истеъдоди ва маҳорати мусиқанинг ҳаётлигини ва ҳиссий таъсирини таъминлайди, бу эса уни мусиқий ижоднинг ажралмас қисмига айлантиради.

Дирижёрлик мактабининг анъаналари бой ва ўзига хосдир. Бу анъаналарнинг шаклланиши Ўзбекистоннинг мусиқий мероси, миллий чолғу санъати, шунингдек, классик ва замонавий мусиқий йўналишларнинг уйғунлашуви билан узвий боғлиқ.


Ўзбек халқининг азалий мусиқий меросларидан бири бўлган дирижёрлик мактабининг шаклланишида асосий манба бўлиб хизмат қилган. Бу меросни сақлаш ва ривожлантириш бугунги замоннинг муҳим вазифаларидан биридир.

Дирижёрлик санъатида асосий эътибор ўзбек халқига хос бўлган ижро этиш анъаналарини, шунингдек, ҳис туйғуларини сақлашга қаратилган. Бу эса ўзбек дирижёрлик мактаби учун хос бўлган асосий хусусиятлардан бири ҳисобланади. Мусиқий ижрочи ва дирижёрлар ўртасидаги ўзаро ишлаш, мусиқанинг гўзаллиги ва ички мазмунларига қаттиқ риоя қилиш, ҳамда ижронинг техник ва эмоционал жиҳатдан бойлигига катта аҳамият берилади.

Шу билан бирга, дирижёрлик мактаби Ўзбекистонда фақат миллий меросни сақлаш билан чегараланмасдан, замонавий мусиқий таълим ва мусиқа тараққиётини ҳам эътиборга олади. Классик мусиқа асарларига, замонавий мусиқа ишланмаларига ва янги ижодий янгиликларга интилишдир. Бу эса, ўз навбатида, миллий дирижёрлик санъатини дунё миқёсида танилишини таъминлайди.

Дирижёрлик мактабини ривожлантириш, ҳозирги кунда ўзбек дирижёрларининг малакаси ва эътирофи ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Бу ривожланишнинг барқарорлиги ва келажакдаги натижалари халқ мусиқий маданиятини ҳимоя қилиш ва тараққий эттиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда дирижёрлик мактаби XX аср ўрталарида сезиларли равишда ривожланди. Шу даврда Европа классик мусиқаси анъаналари миллий мусиқа билан уйғунлашиб, симфоник оркестр ҳамда опера санъатига асос солинди. Дирижёрлик санъатига бир қанча жонкуяр инсонлар ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшдилар. Шундай инсонлардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қувонч (Суннат) Мансурович Усмоновдир. Ўзининг юқори даражадаги ижрочилик маҳорати, миллий мусиқа меросига содиқлиги, ва халқаро сахнадаги фаолияти билан ажралиб туради. Унинг ижодий фаолияти ўзбек дирижёрлик санъатини ривожлантириш ва тарғиб қилишга катта ҳисса қўшган.



XX асрнинг 50-йилларида Тошкент давлат консерваториясининг опера-симфоник дирижёрлиги бўлимида Мухтор Ашрафийдан сабоқ олади. Ўзининг тиришқоқлиги, ўз ишига масъулият билан ёндошишлиги билан бошқа талабалардан фарқ қиларди. Талабалик йиллариданоқ бир қанча ўзбек ва жаҳон композиторларининг мураккаб асарларини сахналарга олиб чиқади. Жумладан Л.Бетховен, В.Моцарт, Б.Барток, М.Мусоргский, А.Бородин, И.Стравинский, Д.Шостакович, Ф.Янов-Яновский, Т.Қурбонов, Э.Салиҳов ва бошқа композиторларнинг асарларига дирижёрлик қилган.[3]

Ўз фаолияти давомида нафақат профессионал оркестр дирижёри сифатида, балки ёш истеъдодларни тарбиялашга бағишланган педагогик фаолияти билан ҳам танилган. У ўзидан кейинги авлодларга мусиқа санъати ҳақида чуқур билим ва тажриба қолдирди. Қувонч (Суннат) Усмонов ижодий фаолиятининг асосий қисмини консерваторида давом эттирди. Унинг бевосита ижодий – амалий раҳнамолиги остида ўнлаб иқтидорли дирижёрлар етишиб чиқди. М.Мередов, Ғ.Тўлаганов, Р.Ёқубжонов, В.Неймар, Э.Азимов, А.Сахиев, В.Медулянов ва бошқа кўплаб дирижёрлар устознинг йўлини муносиб давом эттирдилар.[3]

Мусиқий иқтидор соҳиби, дирижёрлик маҳоратига эга бўлган Қувонч Усмонов бутун фаолиятини санъат ва театрга бағишлади. Ўзимнинг талабалик йилларимни эсга олсам, мусиқали театр студияси оркестрида ишлаб юрган кезларим устоз дирижёрлик пультага чиққанида уларнинг маҳоратига қойил қолар эдик. Ҳар бир чолғунинг партиялари билан алоҳида шуғулланарди. Дирижёрлик санъатининг жуда нозик қирраларини ўта маҳорат билан ижро қилар, биз эса бундан илхомланиб ижро қилардик. Ҳар бир талабани ўз фарзандидек қабул қилиб, кўлидан келган ёрдамни аямасди.

Қувонч (Суннат) Усмонов номи бугунги кунда ҳам нафақат ўзбек мусиқа санъатининг фахри, балки халқаро маданият майдонида ҳам катта ҳурмат билан тилга олинади. Қувонч (Суннат) Усмоновнинг дирижёрлик фаолиятида миллий ва жаҳон мусиқа анъаналарини уйғунлаштириш алоҳида ўрин тутди. У ўз ижодида ўзбек бастакорларининг асарларини чуқур таҳлил қилиб, уларнинг ғоявий-бадий мазмунини тўлиқ очиб беришга интилади. Дирижёр учун ҳар бир мусиқий асар мустақил бир олам бўлиб, унинг мазмунини ижрочиларга етказиш ва тингловчи қалбига сингдириш асосий вазифа ҳисобланади. Шу жиҳатдан Қувонч Усмонов ҳар бир чиқишида юқори касбий маҳорат, мусиқий тафаккур ва ижодий ёндашув намоён этган. Унинг раҳбарлигида кўплаб концерт дастурлари, симфоник ва камера асарлари муваффақиятли сахналаштирилди. Хусусан, миллий бастакорлар ижодига бағишланган концертлар орқали ўзбек мусиқасининг бой имкониятлари кенг тарғиб қилинди. Бу эса миллий мусиқий меросни ёш авлодга етказиш ва унинг оммалашувида муҳим аҳамият касб этди.

Педагог сифатида ҳам Қувонч Усмонов дирижёрлик санъатидаги билим ва тажрибасини шогирдларига сидқидилдан ўргатди. У талабаларни нафақат касбий билимлар билан қуроллантиришга, балки уларда мусиқага муҳаббат, ижодий изланиш ва миллий қадриятларга ҳурмат туйғуларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратди. Унинг устозлик фаолияти натижасида республика ва халқаро миқёсда фаолият юритаётган кўплаб дирижёрлар етишиб чиқди.

Ўзбекистондаги дирижёрлик мактабининг шаклланиши халқнинг азалий мусиқий санъати, миллий чолғу маданияти ва замонавий мусиқий йўналишларнинг мувозанатли уйғунлашуви орқали юзага келди. Дарҳақиқат, Қувонч (Суннат) Усмонов Ўзбекистон мусиқа санъати тарихида унинг улкан намояндалари қаторида атоқли дирижёр бўлиб ўрин олди. Дирижёрлик санъатининг ривожланиши нафақат миллий мусиқий меросни сақлаш, балки замонавий ижодий жараёнларга ҳам мослашишни таъминлайди. Бу ўз навбатида, Ўзбекистоннинг мусиқий таълим соҳасидаги муваффақиятларини ва халқаро миқёсдаги тан олишини кўрсатади. Демак, дирижёрлик мактабини ривожлантириш, мамлакатнинг маданий ва санъат соҳасидаги келажаги учун муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги глобаллашув шароитида миллий дирижёрлик мактабининг нуфузини янада ошириш, ёш дирижёрларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг халқаро тажрибаларни ўзлаштириши учун кенг имкониятлар яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада Қувонч Усмонов каби фидойи санъаткорларнинг ҳаёти ва ижодий меросини ўрганиш катта аҳамиятга эга.

Унинг ижодий фаолияти, педагогик мероси ва миллий мусиқа санъатига қўшган ҳиссаси нафақат бир авлод, балки келгуси авлодлар учун ҳам ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади. Қувонч Усмонов ўзининг сермазмун ижоди, юксак инсоний фазилатлари ва санъатга бўлган фидойилиги билан миллий маданиятимиз тарихида ўчмас из қолдирган забардаст дирижёрлардан бири сифатида эътироф этилади.

Шу маънода, унинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, илмий тадқиқ этиш ҳамда кенг жамоатчиликка етказиш миллий мусиқий меросимизни асраш ва ривожлантириш йўлидаги муҳим вазифалардан бири бўлиб қолаверади. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистон дирижёрлик санъатининг келгусида ҳам юксак тараққиёт йўлидан боришига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Акмалжоннова М. Ўзбек халқ чолғулари оркестри дирижёрлиги санъати Т.2021
2. Алимов Ф. Ёш дирижёрлар учун қўлланма Т.2008
3. Тошматов Э. Дирижёрлик Т.2008
4. Умаров Ш. Дирижёрлик Т.2020



**INNOVATIVE
ACADEMY**